

Аллоҳ кўпайтириб бергувчи зотдир



14:02 / 23.12.2018 3405

Қасан айтади: **"Имрон ибн Ҳусайн ва Абу Ҳурайрадан "покиза масканлар"** (Тавба, 72) оятининг тафсири ҳақида сўрадим. Улар: "Энг билувчидан сўраймиз", дейишди ва сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадик. У зот: "Жаннатдаги дурдан бўлган қасрдир. У қасрда қизил ёқутлик етмишта бино бор, ҳар бир бинода тоза забаржаддан етмишта уй бор, ҳар бир уйда етмишта сўри бор, ҳар бир сўрида турли-туман етмишта кўрпа-тўшак бор, ҳар бир тўшакда ҳурлардан бўлган етмишта аёл бор ва ҳар бир уйда етмишта дастурхон, ҳар бир дастурхон устида турли-туман етмиш хил таом, ҳар бир уйда етмишта ёш ўғил ва қиз хизматчилар бор. Аллоҳ таборака ва таоло мўминга бир мартада буларнинг барчасига етадиган қувват ато этади", дедилар.

Ибн Зайд отасидан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Албатта, бир кишига бир дурдан ясалган қаср берилади. Бу қасрда етмишта хона бор, ҳар бир хонада ҳурлардан бўлган бир аёл ва ҳар бир хонада етмишта эшик бор, ҳар бир эшикдан жаннат ҳидлари кириб туради. Бир эшикдан кирган ҳид бошқа эшикдан кирган ҳидга ўхшамайди", дедилар ва Аллоҳ таолонинг: **"Улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини бирор жон билмас"** (Сажда, 17), оятини ўқидилар" (Ибн Ваҳб ривояти).

Бурайда ибн Хосибдан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни тонгда турдилар ва Билолни чақириб: "Эй Билол! Нима сабабли жаннатга мендан олдин кирдинг. Жаннатга кирсам, олдимда оёғинг товушини эшитдим. Сўнг тўрт бурчакли, олтидан тикланган қасрни кўрдим ва: "Бу қаср кимники?" деб сўрадим. "Бир арабники", дейишди. Мен: "Мен арабман, бу қаср кимники?" дедим. "Муҳаммаднинг соллаллоҳу алайҳи васаллам умматидан бўлган кишиники", дейишди. "Мен Муҳаммадман! Бу қаср кимники?" дедим. "Умар ибн Хаттобники", дейишди". Шунда Билол розийаллоҳу анҳу: "Эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар қачон азон айтсам, дарҳол икки ракат намоз ўқийман ва қачон таҳоратим кетса, дарҳол таҳорат оламан, зиммамда Аллоҳ таоло учун икки ракат намоз бор деб биламан" (яъни, икки ракат намоз ўқиб оламан), дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Шу икки (хислатинг) сабабли экан", дедилар" (Термизий ривояти).

Табароний Анас розийаллоҳу анҳунинг ҳадисларидан мухтасар келтиради: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Жаннатга кирган эдим, олтидан бўлган қасрни кўрдим ва: "Бу кимга?" деб сўрадим. "Умар ибн Хаттобга", дейишди".

Доримий ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: "Ким "Қул ҳуваллоҳу аҳад"ни ўн марта ўқиса, унинг учун жаннатда бир қаср бино қилинади. Ким уни йигирма марта ўқиса, иккита қаср, ким ўттиз марта ўқиса, учта қаср бино қилинади", дедилар. Шунда Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳу: "Ундай бўлса, қасрларимизни кўпайтириб олайлик", дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Аллоҳ янада кўпайтириб бергувчи зотдир", дедилар.

Ҳаммоод ибн Зайд Абу Синондан ривоят қилади: "Ўғлим Синонни дафн қилдим, Абу Талҳа Хавалоний қабрнинг чеккасида туриб деди: "Менга Заҳҳок ибн Абдурахмон Абу Мусодан ҳадис айтди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Агар Аллоҳ аzza ва жалла бандасининг фарзандини

олса, фаришталарига: "Бандам нима деди?" дейди. Фаришталар: "Сенга ҳамд ва истиржоъ айтди", дейдилар. Аллоҳ таоло: "Унга жаннатда уй бино қилинглр ва у уйни "ҳамд уйи" деб атанглр", дейди", дедилар" (Абу Довуд Таёлисий).

Имом Қуртубийнинг "Тазкира"сидан